

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАҚАЕВ ЗИЁВУДДИНХОН ТОШБОЛТА ЎҒЛИ

ИЧКИ ВА КИРУВЧИ ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Бакаев Зиёвуддинхон Тошболта ўғли

Ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-
иқтисодий механизмини такомиллаштириш 3

Бакаев Зиёвуддинхон Тошболта ўғли

Совершенствование организационно-экономического механизма
развития внутреннего и въездного туризма 27

Bakaev Ziyovuddinkhon Toshbolta ugli

Improvement of the organizational and economic mechanism for the
development of domestic and inbound tourism 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАҚАЕВ ЗИЁВУДДИНХОН ТОШБОЛТА ЎҒЛИ

ИЧКИ ВА КИРУВЧИ ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt904 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий Кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Баходирхон Шахриёрович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тухлиев Искандар Суюнович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Маҳбуба Тойчиевна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01-рақамли илмий Кенгаш асосида бир марталик илмий Кенгашнинг 2021 йил «20» НОЯБР соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49. Тел.: (998 71) 239-28-72; Факс:(998 71) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказиди танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент ш., Ислам Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; Факс: (998 71) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «05» НОЯБР кунин тарқатилди (2021 йил «05» НОЯБР даги 36 рақамли реестр баённомаси).




H.X. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т. Бердиёев
Илмий даража берувчи илмий Кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент


А.А. Зингалов
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида туризм индустрияси, иқтисодиётнинг фаол ривожланаётган ва келажакка эга бўлган соҳаларидан бири ҳисобланади. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) нинг статистик маълумотларига кўра, «2019 йилда дунё бўйлаб хорижий сафарлар 1,5 миллиардга етган эди»¹. Аммо COVID-19 пандемияси туфайли жаҳон миқёсида ва шу сингари республикамизда ҳам туризм соҳаси иқтисодий инқирозга юз тутмоқда. Туризм соҳасини инқироздан чиқариш, биринчи галдаги вазифалар қаторига киритилди. Шу боис, пандемия шароитида туризм соҳасини мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш асосида ички туризмни фаоллаштириш иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган тадқиқотларини ўтказиш ҳозирги даврда устувор йўналишлардан биридир. Бугунги кунда ички ва қирувчи туризм минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили сифатида қаралмоқда ва миллий иқтисодиётда туризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ички ва қирувчи туризмга инвестицияларни жалб қилиш ва туризмнинг иқтисодиётдаги мультипликатив самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Туризм фаолиятини раванқ топтириш масаласи бўйича айниқса, охириги тўрт йил мобайнида ҳукуратимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. «Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди»². Туризм соҳасининг глобал аҳамиятини ва унинг келажакдаги иқтисодий самарадорлигини инобатга олинган ҳолда ички ва қирувчи туризмни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 январдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари,

¹ World tourism barometer. Volume 18. Issue 1. January

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил / Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.

2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм хизматлар бозори ва унинг турли шакллари ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари И.Енджейчик, Ф.Шерер, Д.Росс, Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенз, М.Энрайт³ ва бошқа хорижий олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Ўзига хос фаолият тури сифатида ички ва қирувчи туризмни таҳлил қилишга бағишланган В.И.Азар, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, М.А.Жукова, Н.И.Кабушкин, М.Б.Биржаков, В.И.Никифоров, В.С.Новиковлар⁴ каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари эътиборга молик. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш муаммоларига С.С.Гулямов, Н.Х.Жумаев, Қ.Х. Абдурахманов, Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.К.Пардаев, Б.Х.Тураев, М.Т.Алиева, М.Р.Болтабоев, Е.В.Гольшева, О.М.Ҳамидов, А.Н.Норчаев, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимовалар⁵ каби мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ўз илмий ишларини бағишлаган.

³ Енджейчик И. Современный туристский бизнес. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.; Шерер Ф., Росс Д. Структура отраслевых рынков: Пер. с англ. М.: ИНФРА-М. 1997. – 698 с.; Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание. – М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2002. – 1063с.; Enright. M.J. Regional clusters and Economic Development: A research agenda // Business Networks: Prospects for Regional Development, edited by U.H. Staber et al., Berlin: Walter de Gruyter, 1996, pp. 190-213.

⁴ Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка. – М.: ИПКГ, 1998. – 239 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Учеб. Пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 176 с.; Биржаков М. Б., Никифоров В. И. Индустрия туризма: Перевозки. – СПб., 2001. – 399 с.; Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – 160с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. - 409 с.; В.С. Новиков. Инновации в туризме. Учебное пособие – М.: Туризм, 2010. - 203 с.

⁵ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 203 б.; Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013. – 248с.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: «Iqtisod-Moliya» нашриёти, 2010. – 238 б.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. -137 б.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. –Т.: «Фан», 2009. – 154 с.; Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –С.: СамИСИ, 2017. – 260 б.; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях» дисс... кан.экон.наук. – Т.: Таш. ГЭУ, 2011. – 170 с.; А.А.Эштаев. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) иқтисодий фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2019. – 246-б.; Алиева М.Т. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида) // иқт. фан. докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019; Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. – Т.: «Fan va texnologiya», 2018, – 400 б.; Норчаев А.Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари.: иқтисодий фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2021. – 246-б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодий фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. – 265 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. – Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. 184 б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети SIRB-02-сон «Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожлантиришнинг инновацион усуллари» мавзусидаги ҳамда ОТ-Ф1-61-сон «Ўзбекистоннинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборат тизимини шакллантириш» мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришда туризм хизматлар бозорининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш;

мамлакатимиз инновацион ривожланишида ички ва қирувчи туризмнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишнинг комплекс усули ёрдамида соҳада фаолликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллар салоҳиятини баҳолаш;

хорижий мамлакатлар ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришдаги тажрибаси асосида потенциал имкониятга эга туристик дестинацияларнинг фаолиятини уйғунлаштириш механизминини такомиллаштириш;

минтақа туризми ривожланишинини бошқаришда давлат-хусусий шерикчиликни амалга оширишнинг ташкилий механизминини такомиллаштириш;

мамлакатимиз ички ва қирувчи туризмида рақамли технологиялардан самарали фойдаланишнинг механизминини такомиллаштириш;

мамлакатимизда ички ва қирувчи туризмни барқарор ривожлантиришнинг мақбул вариантини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ички ва қирувчи туризм бозорида фаолият юритаётган туризм субъектлари иқтисодий фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети туризм инфратузилмасинини такомиллаштириш ҳамда ички ва қирувчи туризмни самарали ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, абстракт-мантқиқий таҳлил, индукция ва дедукция, эконометрия, кузатиш, қиёслаш, эксперт баҳолаш, корреляция, регрессия, статистик ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат ва минтақа даражасида қирувчи туризм бўйича туристик барқарорлик даражасинини комплекс баҳолаш ҳамда туристлар саломатлигинини сақлаш нуқтаи назаридан ҳудуднинг ижтимоий-туристик барқарорлигинини баҳолаш кўрсаткичлари тизимига соғлиқни сақлаш ҳолатинини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни («эмланиш даражаси», «вирусдан даволаниш» в.б.) қириштиришнинг зарурати асосланган;

туристик жозибаторлик ва самараторликни оширишда маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлашда давлат-хусусий шерикчиликни жалб қилиш, шу негизда самараторлик натижаларидан оптимал фойдаланиш орқали туризм инфратузилмасини такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

пандемия шароитида бюджет ташкилотлари ходимларига (биринчи навбатда тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар учун) йилига бир марта ички турларда имтиёзли қатнашиш имконини берувчи махсус «чегирмали карталар» бериш таклиф этилган;

эпидемиологик вазиятнинг туризмни локал-марказлашган, бир хиллик, кластер-тақсимлаш ва минтақалараро-транспортни барқарор ривожланишига таъсирининг 2021-2026 йилларга мўлжалланган кўп вариантли сценарийси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва соҳада туристик фаолликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, ички захира ва имкониятлари, шарт-шароитларини баҳолаш асосида ҳудудларда ички ва қирувчи туризмни ривожлантириш тенденциялари ва йўналишлари таклиф этилган;

санитария-эпидемиологик омилларни ҳисобга олиш имконини берадиган «эмланиш», «вирусдан даволаниш», «вирусдан омон қолиш», «аҳоли жон бошига касалланиш» кўрсаткичлари асосида ички ва қирувчи туризмнинг амал қилиши билан боғлиқ иқтисодий салоҳият ва ташқи муҳитнинг барча таркибий қисмларини қамраб олиш, улардан фойдаланиш самараторлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ҳудудларда туристик фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари, мавжуд муаммолари ижтимоий-социологик сўровлар орқали баҳолашиб, кластер ёндашуви асосида рекреацион-соғломлаштириш хизматларидан самарали фойдаланиш механизми бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида туризм индустрияси объектларига инвестицияларни жорий қилиш натижасида туристлар оқимини кўпайтириш бўйича инновацион ривожланиш йўналишлари белгиланган;

ички туризмда туристик йўлланмалар сонининг ортишига таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш тартиби ва ёндашувларини асосланган ҳолда туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларда мавжуд бўлган муаммоларининг таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделлаштириш усули ишлаб чиқилган;

туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантириш мақсадидан келиб чиқиб, ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришнинг оптимал сценарий усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базаси расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмиталари расмий маълумотлари

манбаларидан олингани, тегишли хулоса ва таклифлар амалда синовдан ўтказилганлиги, натижалар ваколатли давлат органлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар мамлакатимиз, хусусан, Самарқанд вилоятига ташриф буюрувчи хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимининг, туристик хизматлар экспорти ҳажмини ва вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида туризм соҳасининг улушини ошишида, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга, тармоқни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, ҳудудлардаги туристик фаолият билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ички ва қирувчи туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат ва минтақа даражасида қирувчи туризм бўйича туристик барқарорлик даражасини комплекс баҳолаш ҳамда туристлар саломатлигини сақлаш нуқтаи назаридан ҳудуднинг ижтимоий-туристик барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимига соғлиқни сақлаш ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни («эмланиш даражаси», «вирусдан даволаниш» в.б.) киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг фаолиятига қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-16/4503-сон маълумотномаси). Ушбу услубий ёндашув ички ва қирувчи туризмнинг амал қилиши билан боғлиқ иқтисодий салоҳият ва ташқи муҳитнинг барча таркибий қисмларини қамраб олиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

туристик жозибадорлик ва самарадорликни оширишда маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлашда давлат-хусусий шерикчиликни жалб қилиш, шу негизда самарадорлик натижаларидан оптимал фойдаланиш орқали туризм инфратузилмасини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган 01-17/55-828-ҚТ-сон назорат режасини ишлаб

чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-16/4503-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши давлат-хусусий шериклик тизими асосида туристик-рекреацион объектларни сақлашга, молиялаштиришга ва самарали бошқаришга ҳамда туризм индустрияси объектларига инновацияларни жорий қилиш орқали туристлар оқимини кўпайтиришга ёрдам берган;

пандемия шароитида бюджет ташкилотлари ходимларига (биринчи навбатда тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар учун) йилига бир марта ички турларда имтиёзли катнашиш имконини берувчи махсус «чегирмали карталар» бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастури ва «Йўл хариталари»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-16/4503-сон маълумотнома). Ушбу таклиф мамлакатимизда ички туристлар оқимини ортишига, ички туризмни рағбатлантиришга ва қулай имкониятлар яратишга хизмат қилган;

эпидемиологик вазиятнинг туризмни локал-марказлашган, бир хиллик, кластер-таксимлаш ва минтақалараро-транспортни барқарор ривожланишига таъсирининг 2021-2026 йилларга мўлжалланган кўп вариантли сценарийси бўйича амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «2019-2020 йилларда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини изчил ўрганиш натижасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар» дастури ва «Йўл хариталари»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-16/4503-сон маълумотнома). Ушбу сценарий усулни дастур орқали амалиётга жорий этиш натижасида 2027 йилга қадар Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий фуқаролар сони 1,7 баробарга ошиши ва ички туристлар сони 1,5 мартага кўпайиши кутилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 3 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ҳаммуалифликда 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида туризм хизматлар бозорини ривожланишига таъсир қилувчи омиллар, пандемия шароитида туризм соҳаси фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмлари ҳамда қирувчи ва ички туризмни ривожлантиришда туризм хизматлар бозорининг назарий ва амалий асослари атрафлича ўрганилган.

Туризм хизматлар бозорини ривожланишида ички ва қирувчи туризмни бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар, туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги бўйича жорий, оралик ва якуний кўрсаткичларни баҳолашнинг назарий, методологик жиҳатларини тадқиқ қилиш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ислохотлар ва туризмга бўлган эътиборнинг ортиши мазкур соҳада тадқиқотларнинг кенгайишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача бўлган даврда туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясига кўра, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади ички ва қирувчи туризмни ривожлантириш асосида туризм хизматлар бозорини барқарор ривожланишига эришишни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги янги қабул қилинган қонунида ички ва қирувчи туризм турлари бўйича тушунчалар сифатида таърифлар берилмаган. Қонуннинг «Туризмнинг шакллари ва турлари» 5-моддасида жуда қисқа таъриф берилган. Шу туфайли бизлар янги қабул қилинган Туризм тўғрисидаги қонунга туризм тушунчаларининг қуйидаги таърифларини киритишни таклиф қилдик: Ички туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати бўлиб, унинг афзалликлари давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмийлик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, миллий валютани алмаштириш, хорижий тилни билиш ва қушимча ҳужжатлар талаб қилинмайди. Қирувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати⁶.

⁶ Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. – T.: «Fan va texnologiya», 2018. – 400 b.



1-расм. Ўзбекистонда саёҳат қилиш мавсумига кўра 2019 йилда хизмат кўрсатилган туристлар сонининг тақсимланиши

Диссертацияда туризм хизматлар бозори ривожланишига таъсир кўрсатишида рағбатлантирувчи ва лимитлаштирувчи омиллар аниқланган ва уларнинг моҳияти очиқ берилган. Мамлакатимиз туризм индустриясининг фаолиятида мавсумийлик омили Ўзбекистоннинг иқлимий шарт-шароитлари ва туристик маҳсулотни шакллантиришда айнан табиий-иқлимий омиллар муҳим роль ўйнаши билан изоҳланади (1-расмга қаранг).

1-расмда кўрсатилганидек, мамлакатимиз туристларининг ички туризмда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, дам олишни асосан ёз ойларида амалга оширишларининг турғун ҳолати шаклланган бўлиб, бу ойларда саёҳатлар ҳажми 39,6% (май, июнь, июль ва август ойлари) га тўғри келади. Бунда асосан оилавий дам олишга эътибор берилади – сентябрда саёҳатлар сонининг 1,5 карра (август ойида 10,5 % дан сентябрь ойида 7,8 % га тушган) тушиб кетиши ўқув йилининг бошланиши билан изоҳланади, ўртача оилавий саёҳат 3 кишидан иборат бўлган оила билан амалга оширилади.

Чиқувчи туристик оқим динамикаси тақлиф спекторининг кенглигига кўра мавсумийлик таъсирига деярли учрамайди, бунда жами хизмат кўрсатилган туристлар сонига нисбатан май, июнь ва июль ойларида 27,5 % ҳамда август, октябрь ва ноябрь ойларида 24,1 % туристлар бошқа мамлакатларга саёҳат қилган. Кирувчи туристлар оқими жами хизмат кўрсатилган туристлар сонига нисбатан апрель, май ва июнь ойларида 29,4 %, октябрь ва ноябрь ойида 20,0 %ни ташкил қилиб, асосан йилнинг мўтадил иқлим пайтига тўғри келади ва унинг ўсиш суръати асосан мавсумий кўрсатилган ойларни ташкил қилади. Йилнинг январь, февраль ва декабрь ойларида туристлар оқимининг кескин пасайиши маҳаллий туроператорлар томонидан тайёрланган дастурлар жозибadorлик даражасининг пастлиги ва ушбу ойларда туристларни жалб қиладиган оммавий тадбирларнинг йўқлиги билан баҳоланади, бу эса оилавий ва гуруҳ саёҳатларнинг туризм бозоридаги ўрнини йўқотишга олиб келмоқда.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган, анкета сўровида ички ва кирувчи туризмнинг Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун

аҳамиятли жиҳати ва унинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган омиллари таҳлил қилинди. Ўтказилган анкета сўровида бозор улуши 57% ташкил этган вилоятнинг 16 та етакчи туристик корхона ва ташкилотлари иштирок этди. Респондентларнинг 97% ички ва қирувчи туризмни вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлашди.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йилда қарийб 33,9 миллион ўзбекистонликларнинг 10,9 миллиони (32%) ички турларда қатнашган. Қарийб 12 миллиондан (35%) ортиқ аҳоли эса халқаро саёҳатлар уюштирган⁷. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, аҳолининг 35%и туристик ва кўнгилочар хизматлардан умуман фойдаланмайдилар. Бунинг сабабларидан бири, аҳоли бўш вақтининг йўқлиги ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади.


Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон ички ва қирувчи туризм ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш усуллари қўллашда қуйидаги вазифаларни бажариш лозимлиги таклиф қилинди: иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари билан ҳамкорликнинг замонавий усул ва механизмларини йўлга қўйиш; ҳозирги ўзгарувчан шароитда бошқарув қарорларнинг янги моделини жорий қилиш; табиий ва инсон ресурсларидан самарали ва рационал фойдаланиш; Ўзбекистон туристик бозорининг инновацион-инвестиция жозибадорлигини ошириш.

Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали ва қўллаш имконияти катта бўлган механизмларидан бири солиқлар орқали тартибга солиш ва кредит сиёсатидир. Ишда ушбу механизмлар батафсил кўриб чиқилган. Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли банк кредитининг қимматлиги ҳамда туристик корхоналар учун имтиёзли кредит олиш қийин бўлган шароитда, инвестицион лизингли фаолият бўйича имтиёзли солиқларни тиклаш механизмини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда лизинг усулидан фойдаланиш туфайли олинган даромадни дастлабки икки йилга даромад солиғидан, лизинг шартномаларига кўра иш юритадиган ташкилотларни қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловидан озод қилиш мумкин.

Бугунги кунда ички туризмни ривожлантириш бўйича асосий молиявий механизм сифатида ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар қатор манбалардан қопланиши белгиланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, туризм соҳасининг Ўзбекистон ички ва қирувчи туризм хизматлар бозорини коронавирус пандемияси шароитида жадал ривожлантириш мақсадида қуйидаги амалда қўллаш учун ташкилий-иқтисодий механизмлари тавсия қилинди (2-расм қаранг).

⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг «Ўзбекистонда туризм» статистик тўплами (2020 й)



2-расм. Коронавирус пандемияси шароитида ички ва кировчи туризм фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми⁸

1-жадвал маълумотларига кўра, 2018-2019 йилда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқаролар динамикаси сезиларли даражада ортган. Бу рақам 2017 йилда 2,6 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда 6,4 млн, 2019 йилда 8,3 млн кишини ташкил қилган, ушбу давр мобайнида ташриф буюрувчилар сони 2,9 мартага ортган. Аммо пандемия билан боғлиқ чекловлар сабаб 2020 йилда деярли барча туризм турларида кескин тушиш кўзатилганлигини ушбу 1-жадвалда кўришимиз мумкин. Бу ҳолат нафақат бизда, балким бутун жаҳонда кўзатилган.

1-жадвал маълумотларидан Ўзбекистонда туристик оқимнинг салбий сальдо муаммоси борлигини кўришимиз мумкин. 2019 йилда чет элга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони 12,9 миллион кишини ташкил этган бўлса, шу йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий фуқароларнинг сони эса 8,3 миллион кишини ташкил қилган. Демак,

⁸Муаллиф ишланмаси

Ўзбекистоннинг кирувчи туризмига нисбатан чиқувчи туризми 4,6 миллион кишига ортиқ бўлмоқда. Ушбу кўрсаткичнинг 2018 йилдаги минус сальдоси 7,4 миллион кишини ташкил қилган. Туризм хизматлар бозоридаги бу ҳолатнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, мамлакатимиздан капиталнинг ўзга хорижий мамлакатларга оқиб кетиши, яъни туристик оқимнинг салбий сальдо муаммоси натижасида миллий иқтисодиёт салоҳиятининг камайишига олиб келиши аниқланди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасига 2015-2020 йилларда фуқароларнинг келиши ва фуқароларнинг чет элга чиқишлари (расмий декларациядан ўтган, кишилар ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий фуқаролар сони	минг киши	2034,3	2157,7	2847,9	6433,0	8278,9	1504,1
Ўзбекистон фуқароларининг чет элга чиқишлар сони	минг киши	4868,6	5310,0	6823,9	13838,6	12932,6	2001,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетень маълумотлари асосида тайёрланди.

Таҳлил натижасида Ўзбекистоннинг кирувчи туризмини ривожланишига тўсқинлик қилувчи қуйидаги салбий омиллар аниқланди:

«World Travel Guide» номли дунёда энг катта саёҳат қўлланмасида⁹, мамлакатимиз ҳақида ижобий маълумотларнинг камлиги, чет эл бозорларида Ўзбекистон рекламасининг заифлиги;

Туристлик инфратузилмаларнинг ривожланмаганлиги. Меҳмонхоналар базасининг эскириши ўртача коэффициенти – 67,7% га тенг. Меҳмонхоналаримизнинг фақат 21% жаҳон стандартларига жавоб беради, яъни чет эл туристларини жойлаштиришга даъво қилиши мумкин. Меҳмонхоналардан ташқари, замонавий кўнгилочар саноатининг улкан оммавий объектларининг етишмаслигини (аквапарклар, тематик парклар ва ҳ.к) таъкидлаш керак. Туристлик жиҳатдан қўлай транспорт воситаларининг етишмаслиги ва транспорт базасининг эскирганлиги, йўлларнинг ёмон аҳволдалиги;

Ўзбекистон субъектларида турар жой биноларини ва туристик инфратузилмалари ривожлантириш учун, жозибадор ва қўлай инвестицион шароитларни яратиш лозимлиги;

хизмат ва сервис кўрсатиш даражасининг пастлиги, таклиф қилинадиган туристик хизматлар нархи уларнинг сифатига мос келмайди (айниқса, ташиш, овқатланиш ва жойлаштириш қисмида);

⁹ <https://www.worldtravelguide.net/guides/asia/uzbekistan/>

туристлар учун товарлар ва маҳаллий хунармандларнинг эсдалик буюмлари савдосининг муаммоси. Жойларда эсдалик буюмлар савдоси ривожланмаган, баъзи бир ҳудуд ва туристик жойларда умуман мавжуд эмас.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ички ва қирувчи туризмни ривожлантириш ҳолатининг таҳлили**» масалаларига бағишланган. Мазкур бобда ички ва қирувчи туризмни иқтисодий самарадорлигини туристик барқарорлик индикаторлари орқали баҳолаш усули, мамлакатимизда ички ва қирувчи туризмни ривожлантириш ҳолати, хорижий мамлакатларни қирувчи ва ички туризмни ривожлантиришдаги илғор тажрибалари таҳлил қилинган.

Сўнгги йилларда, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида олиб борилаётган ислохотлар ва эътиборнинг кучайиши мазкур соҳада назарий тадқиқотларнинг кенгайишига туртки берди. Туризмнинг самарадорлик муаммосини тизимли ёндашув ёрдамида олиб қараш мақсадга мувофиқдир. Тизимли ёндашув бошқарувнинг турли поғона ва даражаларида турли мезонлар ва кўрсаткичларни жорий этиш ҳамда шунга мувофиқ ҳолда самарадорлик мезонларини аниқлашни назарда тутди. Шу боис, ички ва қирувчи туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мазкур соҳада амалдаги ва келгусидаги кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ҳамда ҳудуднинг мавжуд туристик ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарасини баҳолаш имконини берадиган кўрсаткичлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишимизда туризмни комплекс баҳолаш мақсадида пандемия шароитида санитария-эпидемиологик, табиий-экологик, ижтимоий-демографик ва сиёсий-иқтисодий омилларни ҳисобга олиш имконини берадиган индикаторли ёндашув танлаб олинди. Самарқанд вилояти туристик-рекреацион мажмуасининг индикаторли баҳолаш Европа Иттифоқи Комиссияси («Defining, measuring and evaluating carrying capacity in European tourism destinations», Athens, contract number: B4-3040/2000/294577/ MAR/D2)¹⁰ топшириғига кўра бир гуруҳ экспертлар томонидан ишлаб чиқилган индикаторлар тизими асосида амалга оширилди¹¹.

Индикаторларни баҳолаш ишларини олиб бориш учун тўрт гуруҳдаги параметрлардан фойдаланилди: физик-экологик, санитария-эпидемиологик, ижтимоий-демографик ва сиёсий-иқтисодий. Мазкур параметрлар доирасида туристик барқарорлик индикатори ва ҳудуднинг турғунлик индикаторлари Самарқанд вилоятининг жорий ҳолатини ҳамда вилоятнинг туристик бозор сегменти сифатидаги салоҳиятини баҳолайди. Туристик барқарорлик индикаторлари вилоятнинг рекреацион индустрия ҳамда туристик марказ сифатидаги режали ривожланишини ва жорий ҳолатини акс эттиради. Турғунлик индикатори ҳисоблаб чиқилди. Минтақада туризм фаолиятни баҳолаш методикасининг туризм фаолиятини ривожланиш салоҳияти ва ҳолати таҳлилининг умумий схемаси 3-расмда келтирилган.

¹⁰ http://ec.europa.eu/environment/iczm/pdf/tcca_material.pdf.

¹¹ http://ec.europa.eu/environment/iczm/pdf/tcca_material.pdf.



3-расм. Минтақада туризм фаолиятини туристик барқарорлик индикаторлари орқали баҳолаш усули¹²

Даставвал, COVID-19 пандемияси шароитида долзарб бўлган санитария-эпидемиологик параметрларни ҳисобга оладиган индикаторларни баҳолашни амалга оширамиз. Чунки эпидемиядан кейинги саёҳатларнинг тақдири айнан ушбу статистик рақамларга боғлиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Сабаби саёҳат учун жой танлашда саёҳатчи энг аввало, хавфсиз бўлган ва соғлиги учун хатарларнинг камлигига қараб саёҳат қилиш жойни танлашга ҳаракат қилади. Ушбу индикатор Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида кўриб чиқилди. Самарқанд вилоятида 2021 йил 2 август ҳолатига кўра, COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари 8175 кишини ташкил қилмоқда.¹³ Ушбу вирусдан даволаниш параметрининг туристик барқарорлик индикатори Самарқанд вилояти бўйича жами вирусдан даволанганлар сонининг касалланганлар сонига нисбати орқали аниқланган ($7593/8175=0.93$). Вирусдан омон қолиш параметрининг туристик барқарорлик индикатори Самарқанд вилояти бўйича жами ушбу вирусдан вафот этганлар сонининг касалланганлар сонига нисбати орқали аниқланган ($24/8175=0.003$. $1-0.003=0.997$). Ушбу вирусдан азият чекиш параметрининг туристик барқарорлик индикатори Самарқанд вилояти бўйича жами касалланганлар сонининг вилоятдаги жами аҳоли сонига нисбати орқали аниқланган ($2528/3.878.000=0.00021*100.000=210$).

Индикаторлар орқали баҳолаш натижасида Ўзбекистон туризм соҳасининг барқарор ривожланишини режалаштириш ва ҳудудларнинг туристик-

¹² Европа методологияси асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹³ <https://ssv.uz>

рекреацион мажмуасини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

экологик муаммоларни ҳал қилишда тозалаш иншоотларини (оқова сувлар, зарарли чиқиндилар, атмосферага чиқадиган турли чанглар) қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, чиқиндиларни қайта ишловчи заводларни қуриш ва шу кабилар;

янги истиқболли туристик-рекреацион зоналарни ўзлаштириш, ҳудуднинг қирғоқ ва тоғ чегараларининг мавжуд антропоген босимига барҳам бериш;

жойларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича турли ободонлаштириш ишларини олиб бориш (пляж зоналарини жиҳозлаш, муҳандислик иншоотларни қуриш, қирғоқларни мустаҳкамлаш бўйича ишлар);

туристик инфратузилмани ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, туристик транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш;

мавжуд меъморий ёдгорлик ва объектларни реконструкция қилиш ва туристлар ташрифи учун мослаштириш;

республикада транспорт ва чегара ўтиш жойларини соддалаштириш (замонавий транспорт магистраллар тизими: автомобил, темир йўл ва ҳаво транспорти);

трансчегаравий, чегара олди ҳудудларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан чамбарчас бўлган мамлакат ва қўшни давлатлар ҳудудларида;

янги туризм инфратузилмасини яратиш орқали мавсумдан ташқари даврларда ҳам барқарор туристик оқимни таъминлаш, даволаш-соғломлаштириш, ишбилармонлик, аграр, маданий-танишув ва воқеавий туризмни ривожлантириш;

ҳудудлар маркетингини ташкил қилиш орқали қулай ахборот муҳитини шакллантириш ва туристик-рекреацион маҳсулотларни маҳаллий ва хорижий бозорларда самарали силжитиш.

Ички ва кировчи туризмни иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштиришда вилоят ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг барқарор ривожланиш тамойилларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқаролар динамикаси сезиларли даражада ортган. Бу рақам 2017 йилда 2,6 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда 6,4 млн. 2019 йилда 8,3 млн. кишини ташкил қилган, ушбу давр мобайнида ташриф буюрувчилар сони 2,9 мартага ортган, аммо меҳмонхона ва муқобил жойлаштириш воситаларнинг сони эса 2019 йилда атига 928 тани ташкил қилган. Бу рақам Ўзбекистонда меҳмонхоналар сони етарли даражада эмаслигини ифодалайди, мавжудлари ҳам Европа мамлакатларининг меҳмонхоналари нархи билан деярли тенг ва ҳар йили нарх сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

Шу билан бирга, ички туризмни ривожлантиришда мамлакатимиз аҳолисига сотилган туристик йўлланмалар сонининг аҳамиятини инобатга олган ҳолда эконометрик таҳлили ўтказилди. Тадқиқотимиз давомида қуйидаги

кўрсаткичлар танлаб олинди: Y – Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларининг сони (бирликда), X_1 – Ташилган йўловчилар (млн. киши), X_2 – Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми (жорий нарҳларда, минг сўм), X_3 – Музейлар сони (филалларини қўшган ҳолда) (бирлик), X_4 – Туристтик фирма ва ташкилотлар сони (бирлик), X_5 – Ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўмда).

Танлаб олинган омиллар Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларининг сонини ўзгарувчанлигини 97,3 % асослаб беради. Баҳолашнинг стандарт хатолиги $S_e = 0,017$ минг сўм бўлиб, фуқароларга сотилган туристик йўлланмаларнинг сони ва прогноз қиймати ўртасидаги четланиш ҳажмини англатади. Мазкур ҳолатда регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\ln Y = 27,13 + 6,09 \ln x_1 + 5,65 \ln x_2 + 5,97 \ln x_3 + 3,81 \ln x_4 + 8,81 \ln x_5 \quad (1)$$

Ушбу регрессия тенгламасидан кўришиб турибдики, мамлакатимиз корхона ва ташкилотларида ўртача иш ҳақи 1 % га ошса, Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларининг сони 8,81 % га кўпаяди. Худудларда ташилган йўловчилар сони 1% га ошса, Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларнинг сони 6,1% ўсади. Шунингдек, мамлакатимиз аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, 1 % га ошса, Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларнинг сони 5,7% ўсганини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ички туризм ривожланишида аҳоли даромадлари, камбағаллик даражасини қисқартириш, туристик биноларда маҳаллий аҳолига имтиёзларнинг мавжудлиги ва кўнгил очар объектлар сонининг ошиши ҳамда туристик таътил кунларининг кўплиги билвосита таъсир қилади. Бу эса иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичида стратегик вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларга таъсир қилувчи омиллар модели ишлаб чиқилди.

2-жадвал

Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмаларга таъсир қилувчи омиллар модели

№	Кўрсаткич	Тенгламанинг кўриниши	Модел	Модел тури
1	Ўзбекистон ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига сотилган туристик йўлланмалар	$Y = a + b_1 x_1 + b_2 x_2 + \dots + b_n x_n;$	$Y = 27,13 + 6,09 \ln X_1 + 5,65 \ln X_2 + 5,97 \ln X_3 + 3,81 \ln X_4 + 8,81 \ln X_5$	Логорифмик модел

Ушбу моделни Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятида қўлланилиши ички туризмда туристик йўлланмалар сонининг

ортишига таъсир кўрсатувчи омилларни илмий асосланишини таъминлайди ва тегишли маркетинг қарорларни қабул қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишида, ички ва қирувчи туризмни ривожлантириш ҳолатининг таҳлили натижасида туризм хизматлар бозорини жадал ривожлантириш бўйича қатор таклифлар берилди. Масалан, пандемия шароитида бюджет ташкилотлари ходимларига (биринчи навбатда тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар учун) йилига бир марта ички турларда имтиёзли қатнашиш имконини берувчи махсус «Чегирмали карталар» бериш таклиф этилган. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳамда 2021 йил 9 январдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонни ижросини таъминлаш мақсадида «Чегирмали карта» номли туристик маҳсулотни «Ахборот-туристик марказ» орқали яратиш тавсия этилади.

